

Аммо эркак ва аёлларнинг намоз ўқишида ҳам бир қанча фарқлар бор экан.

20:08 / 26.04.2016 2977

САВОЛ: Ислом динида аёлларнинг масжидларга чиқиб, жамоат намозларида қатнашишлари маъқулланмаслигидан хабарим бор. Аммо эркак ва аёлларнинг намоз ўқишида ҳам бир қанча фарқлар бор экан. Шу ҳақда маълумот олмоқчи эдим.

ЖАВОБ: Бисмиллаҳир роҳманир роҳийм.

Ҳақиқатда намоз ўқиш пайтида эркак ва аёллар қиладиган ҳаракатлар орасида фарқ бор. Баъзи бир ҳанафий уламоларимиз бу фарқнинг ўнта эканини айтиб ўтишган.

Ана шу фарқлардан биринчиси «Такбири таҳрима»да, яъни намозни бошлаш учун ниятни қилиб бўлиб «Аллоҳу акбар» деган пайтда эркак кишилар қўлларини қулоқларигача, яъни бош бармоқларини қулоқларининг юмшоқ жойигача кўтариб, теккизиб такбир айтсалар, аёллар такбир пайтида қўлларини елка баробар кўтарадилар бир оз қимтинган ҳолда.

Иккинчи фарқ-эркаклар намоз ўқиётган пайтларида қўл боғлаганларида қўл-ларини киндиклари остига қўядиган бўлсалар, аёллар шу қиёмда турганларида икки қўлларини кўкракларида тутган ҳолда қўл боғлаб намоз ўқийдилар.

Учинчиси-аёл киши икки қўл кафтини кўтараётган пайтида енгидан чиқариб, яъни очишга ҳаракат қилмайди, ўша енглари билан қўлларини тўсган ҳолда такбир айтиб қўл кўтаради.

Тўртинчиси-рукуъ пайтида ҳам панжаларини ортиқча чиқариб юбормайди, балки ёйиб ташламасдан, панжаларини қисган ҳолда икки қўлини икки тиззага қўяди.

Бешинчиси-рукуъга борганларида эркакларга ўхшаб жуда пастгача эгилиб рукуъ қилмасдан, балки рукуъ деса бўларли қимтинган ҳолатда эгилиб рукуъни бошланғич суратини адо этсалар бўлди, жуда пастга қараб энгашиб, эркакларга ўхшаб беллари билан бошларини тўғри ҳолга тушишини ҳаракат қилмасалар ҳам бўлади, яъни қилмаганлари афзал ҳисобланади.

Олтинчиси-рукуъ қилган пайтларида икки чиға-ноқлари билан қимтиниб, биқинларига тегизиб туради, эркаклар эса очиб-кенгайтириб туришлари керак.

Еттинчиси-саждага борганларида ҳам қимтинган ҳолларида қоринларини икки сонларига тегадиган қилиб эркакларга ўх-шаб орани баланд очмасдан сажда қиладилар.

Саккизинчиси-ўтириш, яъни «Аттаҳия-ту»ни ўқиш пайтидаги икки ракатдан ке-йин ёки тўрт ракатдан кейинги ўтиришда фарқ бўлади. Бунда аёллар оёқларини ёндан чиқариб орқаларини ерга қўйиб ўтиришади. Эркаклар эса оёқлари устига ўтирадилар.

Тўққизинчи фарқ сужуд, яъни сажда қилган пайтда эркаклар чиғаноқларини кўтариб турсалар, аёлларнинг яна қимтинган ҳолларида чиғаноқларини ерга теккизиб туришлари тавсия қилинган.

Ўнинчиси-овоз чиқариб ўқиладиган жойларда, эркаклар овоз чиқариб қироат қиладиган жойларда аёллар жаҳрий қироат қилмайдилар, такбирларни овоз чиқариб айтмайдилар.

Мана шу фарқларни билиб олиб аёлларимиз шу ҳолатга қараб ўқиб боришса қоидага мувофиқ намоз ўқиган бўладилар. Аллоҳ таоло барчаларимизнинг намозини даргоҳида қабул айлаган бўлсин. Валлоҳу аълам.